Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 26 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 91 (6987)

Da'vat

Ақлли бўлсанг, жоҳил ва нодондан ҳазар қил. Ақалли бир оз билими бор киши улардан, албатта, юз чақирим узоқлашади.

Мажид ХАВОФИЙ

Ibrat

Жиззах вилоятининг Дўстлик тумани халқ таълими бўлимида жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор берилянти. Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташаббуси билан «Дўстлик» марказий уйингоҳида очиқ теннис корти қурилиб, фойдаланинга тушириилди. Унга Дўстлик шаҳридаги тўртта мактабдан ўқувчилар жалб қилинган.

Юқори Чирчиқ туманидаги 10-мактабда қатор жонкуяр ўқитувчилар фаолият кўрсатиб келади.

СУРАТЛАРДА: 1. Шу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Раҳима Қодирова. 2. Мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Муҳаббат Қосимова шогирдлари даврасида.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.



ВАТАНПАРВАРЛИК ТИМСОЛИ

Ўзини бир миллат вакиллари ҳисобловчи инсонлар шуурида шундай бир умумий тушунчалар, қадриятлар мавжуд бўладики, улар унга такрор-такрор мурожаат қилаверишади. Негаки бундан ҳар сафар наф олишади, демак шундай қилишга маънавий зарурият мавжуд.

Ўзбек миллати деб аталувчи халқ вакилларига улуғ бобомиз Амир Темур сиймоси худди шундай миллий қадрият, миллий ғурур тушунчаларидан биридир.

Чинданам эндиликда нимагаки маънавий эҳтиёж сезсак, буюк бобомиз шахсига мурожаат қиляпмиз ва ҳар биримиз ўз қобилиятимизга яраша жавоб топяпмиз.

Ёш давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унга чексиз садоқат туйғусини шакллантиришда ҳақиқий ватанпарвар саркарда Амир Темур ва унинг Ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасорати бизларга энг ибратли намуна эканлиги.

Яқинда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва Ўрта Осиё халқлари тарихи институти ҳамкорликда ўтказган «Амир Темур ва ватанпарварлик тарбияси» мавзуидаги илмий конференцияда яна бир бор таъкидланди.

Анжуманни институт ректори, профессор Баҳром Қодиров очди.

Ёзувчи ва олим И. Ғафуров, профессорлар — Н. Комилов, Ҳ. Бобобеков, шарқшунос олимлар — С. Ғаниева, Т. Файзиев, О. Бўриев, М. Содиқов, Ғ. Каримов, академик Э. Ртвеладзе, афғонистонлик олимлар — Ш. Ёрқин, Ҳ. Ёрқин, А. Жузжоний ва бошқалар Амир Темур ва темурийлар тарихига оид маърузалар қилишди.

Конференцияда Ватан, Ватан тарихи мавзуларида ҳам қизғин мунозаралар бўлиб ўтди.

Шундай қилиб, буюк бобокалонимизга бағишланган яна бир тадбир жуда самарали кечди.

Рустам БОЙМАТОВ.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида республика ҳукумати ҳузурида ишлаётган туризмни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш мажлисида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш тадбирлари тўғрисидаги масала кўрилди.

• Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши пленумида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида ўртага қўйилган масалалардан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

JUMLADA JAHON

• Тошкентда ТАСИСнинг «Хотин-қизлар ва демократия» лойиҳасини амалга ошириш ниҳоясига етганига бағишланган конференция иш бошлади.

• Молия, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари ҳамда республиканинг бошқа муассасалари раҳбарлари ўртасида селектер орқали бўлган кенгашда иштирокчиларнинг алоҳида эътибори мавжуд дебиторлик — кредиторлик муносабатларига қаратилди.

• Ироқ билан БМТ ўртасидаги можаро ижобий ҳал бўлгач, Бағдод раҳбарияти Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ томонидан тузилган махсус комиссиянинг қайта иш бошлашига розилик билдирди.

• Ҳиндистон Бош вазири Индер Кумар Гужарал ўз баёнотида Ҳиндистон ҳукумати Фаластинни Исроилга қарши озодлик курашида ҳамиша қўллаб-қувватлашини айтди.

• Малайзиянинг «Петронас» давлат нефть корпорацияси АҚШнинг норозилигига қарамасдан, Эрон ва Ливия иқтисодиётига сармоя сарфлашни давом эттириш хусусида Малайзия ташқи ишлар вазирлиги вакили Вашингтоннинг махсус вакили билан учрашувда расман баёнот берди.

Obuna-98

ИШИМИЗГА ХАЙРИХОҲ РАИС

Каттақўрғон туманидаги «Наслли парранда» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ўз ҳисобидан тумандаги мактаб-интернатни 10 та, 32-мактабни 5 та, «Олтин хўрозча» болалар боғчасини 4 та, шаҳардаги 7-мактабни 7 нусха «Маърифат» газетасига обуна қилди.

— Назаримда ҳар бир раҳбар, ҳар бир ота-она маълум даражада муаллим ҳам бўлмоғи керак, — деди жамият раиси Пардабой Аширбоев. — Биз эса ҳалигача бу иш тўлиғича мактаб зиммасида, деган эски ақидадан қутула олганимиз йўқ. Ахир бизнинг бугунги ёшларга муносабатимиз бир кун келиб шундайлигича ўзимизга қайтади-ку! Ҳукуматимизнинг таълимни ислоҳ қилишга астойдил ҳаракати маниси ҳам шунда.

Пардабой ака билан гурунгимиз давомида у кишининг чинакам таълим-тарбия куюнчаги эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Ҳатто ўз ҳиссадорлик жамиятини 5 та нусха «Маърифат»га обуна қилганлиги ва бу ишдан кўзланган мақсаднинг аниқлиги ҳам бунга мисол бўла олади. П. Аширбоевнинг айтишича, ишчилар шу газетани бир кўздан кечиришса ўз маънавиятини бойитиш баробарида зиммасидаги бола таълими ва тарбиясига масъуллигини сезишади. Сўнгги йилларда маънавиятли, маърифатли жамият қуриш учун қилинаётган улкан ишларнинг кўнгилдагидек натижаси учун бундай саховатлилик, муносабат жуда ҳам зарур.

А. ЭРНАЗАРОВ.

Tajriba, sinov, natija

Кашфиётлар қандай юзага келади?

Тест термини инглизчадан кириб келган бўлиб, ўзбекчада «синов», «текшириш» деган маъноларни англатади. Ўқувчилар билимини аниқлашда, балли система имконияти чекланганлигини сезган француз психологлари Бинэ ва Саймоне, 1907 йилда ўқувчиларнинг ақлий қобилиятларини аниқлаш учун тестни илк бор қўллаганлар.

Ўтган 90 йил давомида тест дунёнинг кўп мамлакатларига тарқалди. Ундан нафақат ўқувчилар билимини аниқлашда, балки ижтимоий ҳаётимизнинг кўп жабҳаларида фойдаланилмоқда. Тест нима? Тест — махсус савол ва масалалар ёрдамида одамнинг ақлий қобилияти ёки бирон бошқа сифатини қисқа муддатда аниқлаш усулидир.

Абитуриентларга мўлжалланган педагогик тест қандай бўлиши керак? Назаримда, улар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1. Тест топшириқлари ўрта мактаб дастури доирасида бўлиши шарт;

2. Тест топшириқлари шундай тузилиши керакки, абитуриент тўғри жавобни қисқа вақт давомида топаолсин (Бундан тест топшириқлари ўта содда бўлиши керак экан-да, деган нотўғри хулоса чиқмасин);

3. Тест топшириқларини тузишда ноанъанавийликка эътибор бериш керак, яъни топшириқларда кундалик-турмушдаги ва атроф муҳитдаги қизиқарли ҳодисалар, замонавий технологик жараёнлар, фундаментал қонунлар тадбиқи ўз аксини топмоғи лозим;

4. Тестларга жавоб вариантларини танлашда жавобларнинг бир-бирига ўхшашлигига, нотўғри жавобларда ҳам маълум даражада мантиқ бўлишига, баъзи ҳолларда бир фан нуқтаи назаридан нотўғри бўлган жавоблар бошқа фан нуқтаи назаридан тўғри бўлишини кўрсата билишга эришиш зарур.

Мен тестдан тахминан 15—20 йил олдин ҳам фойдаланганман. У пайтда ТошМИга кириш имтиҳонларининг биринчиси физикадан ёзма бўлиб, абитуриентларнинг репетитордан ўтиши расм бўлганди, мен ҳам бу иш билан шуғулланганман. Ўқувчиларни физикадан тайёрлашга киришишдан олдин, уларнинг математикадан билим даражасини 12 та тест саволлари ёрдамида аниқлаб олардим. Натижага қараб ишга киришдик.

Олийгоҳларга тест ёрдамида кириш бошлангач, ўша ишларим ҳақида халқ таълимидаги мутахассисларга айтдим. Маслаҳатлашдик, сўнгра 12 та тест ҳақида туманимиз математиклари ва физикларига маъруза қилиб бердим. Ўқув жараёнига қўллашга келишиб олдик. Бу ҳақда «Маърифат» рўзномасида «Физиканинг математикаси» (1996 й. 13 март) мавзуида мақолам эълон қилинди.

1993—94 ўқув йилидан бошлаб тест ва рейтинг усулини, расмий равишда ўқув жараёнига қўллай бошладим. Тажрибаларим ҳақида туман, вилоят ва республика конференцияларида чиқишлар қилдим. Бу тажрибаларим ҳақида «Маърифат» рўзномасида «Баҳолашнинг рейтинг усули» номли мақола эълон қилинди. (1994 й. август). Ҳозирги кунда тестни ҳаммамиз қўллаяпмиз.

Бу йил, 120 та тест топшириқлари тузиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест Маркази томонидан, иккинчи йил ўтказилаётган «Педагогик тестларнинг энг яхши ижодкори» республика танловида қатнашдим. Тузилган топшириқлар ўрта мактаб дастурини тўлиқ ўзлаштирган ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, улардан чораклик, йиллик контрол ишларда ва битириш имтиҳонларида фойдаландик. Саъй-ҳаракатларим кўнгилдагидек якунланди. Танловда иккинчи ўринни эгаллаш насиб этди.

Энди танловга топширилган тест топшириқлари савол ва масалаларидан намуналар келтираман:

1. Космик кемадаги технологик жараёнларда Паскаль ва Архимед қонунларидан фойдаланиб бўладими?

А. Архимед қонунидан фойдаланиш мумкин, Паскаль қонунидан фойдаланиб бўлмайди;

В. Паскаль қонунидан фойдаланиш мумкин, Архимед қонунидан фойдаланиб бўлмайди;

С. Иккала қонундан ҳам фойдаланиб бўлади;

Д. Иккала қонундан ҳам фойдаланиб бўлмайди;

Е. Билмайман.

Изоҳ: Ер шароитида ик-

(Давоми 2-бетда).

Fikr, mulohaza, taklif

НАЗАРИЯ АНИҚ БЎЛСА, АМАЛИЁТ НАҚД

Айни кунда ҳунар таълими олдида турган долзарб муаммолар талайгина. Хўш, уларни ижобий ҳал этиш учун нималар қилмоқ керак? Энг аввало, ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам ўқувчилар билан давр талаби даражасида ишлай олишлари шарт. Айниқса, ўқитувчининг ўзи бозор муносабатларига ҳар томонлама тайёр бўлиб, сўнгра ўз ўқувчиларини тайёрлаши керак. Ушбу ҳол, албатта, ўқитувчи ва ўқувчилардан психологик-педагогик тайёргарлик босқичидан ўтишни тақазо этади. Назарда тутилаётган психологик-педагогик тайёргарлик ва шу асосда эса эҳтиёжлар, билим жараёнлари, шахсий хусусиятлар ва бошқа мазмундаги шахс имкониятларини ривожлантириш масалалари ётади.

Ҳозирги ижтимоий, иқтисодий, маънавий, руҳий ўзгаришлар энг аввало ўқитувчида, сўнгра эса ўқувчиларда иқтисодий тафаккурни шакллантириш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун кўп ҳолларда ўқитувчи ва ўқувчиларда аналитик (таҳлилий) тафаккурнинг етишмаслиги янги иқтисодий муҳитни илмий таҳлил қилишда қийинчиликлар туғдирмоқда. Шу боис ҳам ҳунар ўргатишга масъулларни инсон ўз-ўзини камолотга эриштириш мумкин бўлган механизм қонуниятларидан хабардор қилиш талаб этилади.

Мазкур жараённи амалга ошириш ҳунар таълимига оид ижодий муносабатларни тўғри йўлга қўйишга боғлиқдир. Айни кунларда ўзаро боғланишлар механизмини тушунмаслик ҳунар таълими жараёнида ўқувчи шахсининг шаклланишига тўсиқ бўлиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳунар таълими жараёнида ўқувчиларнинг ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Кўп ҳолларда ҳунар ўрганиш жараёнида шахсларнинг фаолият мотивларини аниқлай олмасликлари бу жараённинг сусайишига олиб келади. Шунинг учун ўқитувчи-усталар ўз шогирдларига ҳунар сирларини ўргатишда сидқидилдан ёндошишлари керак.

Ҳунар таълими жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларда шахсий-касбий хусусиятларни шакллантиришда психологик-педагогик жараёнлар, ҳолатлар ва хусусиятларни мужассамлашган ҳолда иштирок этишини назардан четда қолдирмаслик лозим. Уларни яхлит ривожлантириб, тарбиялаб ва шакллантириб бориш касбий-шахсий сифатларнинг таркиб топишига, қолаверса тараққий этишига олиб келади.

Ваҳоланки, имкон қадар ҳунар ўрганиш учун келаётган ҳар бир ёш ўз қизиқиши ва қобилиятига мос келувчи ҳунарни ўрганиши на-

(Давоми 2-бетда).

ЧЎЛПОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА 2-бет.

Рейтинг тизимининг афзалликлари 3-бет.

ЎТКИНЧИ ДУНЁ 4-бет.

ЭНГ ЯХШИ МАҚОЛАЛАР ТАНЛОВИ 4-бет.

Ҳурматли муштарийлар!

«МАЪРИФАТ»га 1998 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна индекси:

Якка обуначилар учун — 149

Ташкилотлар учун — 150.

МММ — ХАБАРЛАРИ

ФАХРИЙЛАР САФАРГА ЧИҚИШДИ

Юрган дарё деганларидек, Тошкент шаҳар Марказий билим жамияти қошида ташкил этилган «Фахрий педагоглар жамоаси» юбилей тантаналари арафасида Бухоро ва Хива шаҳарларига саёҳат уюштиришди. 40 нафар кекса мураббийлардан тузилган саёҳатчиларга жамоа раҳбари, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Иброҳим Гадойбоев йўлбошчилик қилди.

Улар қадимий шаҳарларимизнинг бетакрор асори атиқаларини томоша қилишиб, олам-олам таассуротлар билан қайтишди.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ.

MUDIRALAR MAHORATI SINALDI

Kutubxona — chinakam nurxona, ziyo maskani. Ilmu fan, ma'naviyat, ma'rifat va taraqqiyot ham aslida dastavval shu joydan boshlanadi.

Hoynahoy yaqinda Qashqadaryo viloyat xalq ta'limi xodimlari malakasini oshirish institutida bo'lib o'tgan «Ilg'or kutubxonachi — 97" viloyat ko'rik-tanlovi tashkilotchilari ham bunga amin bo'lishdi. Unda viloyat XTB tasarrufidagi 15 ta maktab kutubxonalarining mudiralari ishtirok etishdi.

Ular o'z bilim va mahoratlarini namoyish etish, jamoalari sha'nini himoya qilish maqsadida musobaqa shartlari bo'yicha kun bo'yi bahslashdilar.

Mudiralar kitoblarga ishlov berish, kitobxonlarga xizmat ko'rsatish, o'quvchi-yoshlarga pedagogik va psixologik jihatdan qanday muomalada bo'lishlarini namoyish etishdi.

Ko'rik-tanlovda 1, 2, 3-o'rinlar Qarshi shahar, Yakkabog' va Kasbi tumanlaridagi Y. Oxunboboev, H. Olimjon va Nizomiy nomli maktablar kutubxonalari mudiralari Hanifa Amirqulova, Muhtaram Mardiyeva, Zilola Rahmonovalarga nasib etdi.

X. QIYOMOV.

МУАЛЛИФ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўқиётган китобинг, айниқса билим олаётган дарслигинг муаллифи билан учрашсанг маза экан. Тушунмаган нарсаларингни сўраб, билиб оласан.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Иқтисодиёт гимназияси 5—6-синф ўқувчиларининг яқинда ушбу синфлар математика дарслиги муаллифи Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, физика-математика фанлари номзоди, профессор, ТошДУ механика-математика факультети кафедра мудири Мирфозил Мирзаҳмедов билан учрашуви ҳам шундай бўлди. Олим билан ўқувчилар ўртасида кечган қизғин савол-жавоблар ҳам бунга далил.

Гимназия директори Ф. Усмонов ташриф учун меҳмонга миннатдорчилик билдирди.

Ихтиёр ЭШМАТОВ.

МММ — ХАБАРЛАРИ

Кашфиётлар қандай юзага келади?

(Боши 1-бетда).

кала қонундан ҳам фойдаланамиз. Орбитадаги космик кемада эса вазнсизлик ҳукмрон. Демак, Паскаль қонунидан фойдаланиш мумкин, Архимед қонунидан фойдаланиб бўлмайди.

Массаси 10 кг бўлган жисм 10 м баландликдан тушмоқда. Бир секунддан кейин унинг потенциал ва кинетик энергиялари йиғиндиси қанчага тенг бўлади? Эркин тушиш тезланиши қиймати 10 га тенг деб олинг. (жавоблар СИ системада берилган).

А. 100; В. 500; С. 1000; Д. 98; Е. 10000.

Изоҳ: механик энергиянинг сақланиш қонунини билмаган ўқувчи, бир секунддан кейинги потенциал ва кинетик энергияларни ҳисоблаб, сўнгра уларни қўшиб, тўғри жавобни вақтдан ютқазиш ҳисобига топиши мумкин. Механик энергиянинг сақланиш қонунини билган ўқувчи эса масса, баландлик ва эркин тушиш тезланишини оғзаки кўпайтириб қўяқолади. Учта 10 кўпайтмаси 1000 бўлади.

3. Нима учун катта тезликда ўтиб кетаётган поездга яқин туриш таъқиқланади?

А. Одамнинг боши айланиши натижасида ўзини бошқара олмай поездга урилиб кетиши мумкин;

В. Ҳосил бўлган шамол одамни улоқтириб юборади. Оқибат одам шикастланиши мумкин.

С. Шовқин эшитиш органларига салбий таъсир кўрсатади;

Д. Одам билан поезд оралиғида босим камаяди. Оқибат атмосфера босими таъсирида одам поездга урилиб кетиши мумкин;

Е. Билмайман.

ИЗОҲ: Эътибор беринг тўртта жавоб тўғрига ўхшайди. С — жавоб биология фани нуқтаи назаридан тўғри. Физика фани нуқтаи назаридан эса Д — жавоб тўғри.

4. Радиуси 6 см бўлган металл шарга 25 нанокулон заряд берилган. Шар марказидан 5 см узоқликдаги нуқтада кучланганлик қанчага тенг? (жавоблар СИ системада берилган).

А. 900; В. 90000; С, 9000; Д. 0; Е. 90.

Изоҳ: ўтказгич ичида электр майдон кучланганлиги нолга тенг эканлигини билган ўқувчи иккиланмай Д жавобни белгилайди. Мен контрол иш олганимда, баъзан аълочи ўқувчиларнинг ҳам, ушбу масалада хатога йўл қўйганликларига дуч келдим. Улар кучланганликни шар майдонининг кучланганлиги формуласидан фойдаланиб ҳисоблайдилар ва В жавобни белгилайдилар. Оқибат ҳам вақт зое кетади, ҳам жавоб нотўғри.

Шу билан намуналар келтиришни тўхтатсак. Қолган масалаларда ўрта мактаб дастурининг барча бўлимларини қамраб олишга ҳаракат қилинган.

Ўз тажрибаларимга таяниб, яна қуйидагиларни тавсия этмоқчиман:

1. Ўқитувчининг шахсий кутубхонаси бўлиши шарт. Зеро, китоб энг яхши ҳамроҳ эканлиги сир эмас. Масалан, мен «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» сиз, «Русча-ўзбекча луғат»сиз кичик бир мақолани қиёмига етказишни тасаввур эта олмайман. Ахир, ҳамма нарсани ёдда сақлаб бўлмайди-ку.

2. Кўп мутолаа қилиш керак. Танловга топширилган масалаларни тузишгача, камида 25 тача манбани ўрганиб чиққан бўлсам керак. Китоб билан ишлаш жараёнида оригинал фикрлар келиб қолади, бу эса оригинал масалалар тузиш демакдир.

3. Тест топшириқлари ҳаётий ҳодисаларга асосланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Айниқса, табиий фанлар бўйича. Гуманитар фанларнинг ҳам ўзига яраша нозик жойлари бор, буни ўша соҳа мутахассислари яхши билишади. Масалан, тил-адабиётда метафора, сўз ўйини, қочириқлар, имлодан фойдаланиш ва ҳоказолар мавжуд. Хуллас, барча фанлардан рисоладагидек тест тузиш мумкин. Бунинг учун фақат қатъият билан ишлаш лозим.

Тошпўлат ЙЎЛДОШЕВ,
Пискент туманидаги 28-мактабнинг олий тоифали методист-ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.

НАЗАРИЯ АНИҚ БЎЛСА, АМАЛИЁТ НАҚД

(Боши 1-бетда).

зарда тутилгандагина мақсадга эришиш мумкин. Бироқ, бу каби ўзига хос босқични бошдан кечириш ўқувчидан ўз устида доимо ишлашни, ўз-ўзини баҳолашни, назорат қилишни, бошқаришни, ўқув ва иш ўрнига нисбатан организмни қўниктириб боришни, кўникма ва малакаларни шакллантиришни тақозо этади. Зотан, республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ғоясидан келиб чиқиб, бугунги ҳунар таълими тизими мазмунини олинган айрим далиллар асосида холисона таҳлил этсак, тубандаги ҳолатларнинг мавжудлиги намоён бўлади.

Кўплаб вилоят ҳунар билим юртлари ўқитувчилари билан ўтказилган савол-жавоблар, уларнинг дарсларини кузатиш ва таҳлил қилишдан маълум бўлдики, улар лаборатория ва амалий машғулотларнинг атиги 30—35 фоизини бажариш имкониятига эга эканлар, холос. Бунга асосий сабаб асбоб-ускуналарнинг етишмаслиги, баъзиларида йўқлиги, борларининг эса эскирганлиги, яроқсизлиги ва уларнинг талаб даражасида эмаслигидир. Энг ачинарлиси баъзи ҳунар билим юртларида лаборатория ва амалий машғулотларнинг мутлоқо бажарилмаслиги. Ҳанузга қадар ўқитувчилар таълим беришнинг эски андозаларидан фойдаланишдан экан. Бу эса ўқитувчиларнинг ҳозирги кун талаби даражасидан орқада қолганлигини, янги шакл ва услубларни қидириб топишга интилмаётганлигидан дарак беради.

Республикадаги ҳунар таълимига оид тарқиқот олиб борувчи изланувчи томонидан кўплаб муаммоларнинг ҳозирга қадар илмий-услубий жиҳатдан ишланмасдан келинаётганлиги таълим-тарбия сифатига салбий таъсир этмоқда. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг фанларни паст ўзлантиришларига олиб келмоқда. Ҳунар ўрганишида чигалликларни содир бўлаётир.

Мавжуд педагогик инқироздан тезроқ қутулиш учун ҳунар билим юртларида таълим-тарбиянинг янги шакл ва услубларидан самаралироқ фойдаланишга ҳаракат қилиш даркор.

Бизнингча, бу инқироздан тезроқ қутулиш учун кўпроқ жаҳон педагогикасининг илғор тажрибаларига таянган ҳолда ҳунар билим юртларда бериладиган таълим-тарбиянинг янгича мазмунини аниқлаб, ўқитишнинг шакллари ва услубларини излаб топиш, аниқроғи уларни тўбдан янгилаш зарур.

Узоқ йиллар ҳунар билим юртларида ўқувчиларга уларнинг билим савиялари, шароитлари, этник хусусиятлари ҳисобга олинмасдан бир хил дастур ва режа асосида таълим-тарбия берилиб келинди. Бу ҳол эса барча ўқувчиларни тенглаштириб, уларнинг фанларга бўлган қизиқишларини кескин пасайтириб юборди. Ҳунар билим юртларини битириб чиққан ўқувчилар ҳаётда ўз ўринларини топиша олишмай қолишди. Бу камчиликлардан қутулиш учун энг аввало республикамизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маҳаллий, миллий, тарихий, ўлка шароитини, айниқса фан-техника тараққиётини ҳисобга олиб, ҳунар ўргатиш учун янгидан дастур, режа, ўқув ва услубий қўлланмалар яратиш зарур. Янгидан яратиладиган мазмунда қуйидаги ғоялар ўз аксини топса, юқорида кўрсатиб ўтилган долзарб муаммолар ечимини топа боради, деб ўйлаймиз.

1. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билим даражалари, шароити, қизиқишларини психологик-педагогик жиҳатдан ўрганиб, уларни илмий таҳлил қилиш.

2. Назарий материаллар мазмунини жаҳон стандарти даражаси асосида танлаш.

3. Амалий характердаги материаллар мазмунини, ҳажмини аниқлаб, уларни ўқитиш услубларини ишлаб чиқиш.

4. Маҳаллий ва ўлка материалларини танлаб, уларнинг мазмунини ва ҳажмини илмий таҳлил қилиб, ўқитиш услубларини ишлаб чиқиш.

5. Ўтмишда яшаб, ижод этишган Марказий Осиё олимларининг илмий-маърифий, педагогик фаолиятларини ўрганиб, ҳунар таълимига тааллуқлиларини танлаб, уларни дастур ва дарсликларга киритиш.

6. Ўлка экологиясига доир материаллар мазмунини, ҳажмини танлаб, аниқлаб, уларни дастур ва дарсликларга киритиш, ўрганиш услубларини ишлаб чиқиш.

7. Республика иқлим шароитини ҳисобга олиш.

8. Шарқ меъморчилиги (архитектураси)нинг илмий асосларини акс эттирувчи материаллар мазмунини ва ҳажмини аниқлаш, уларни дастур ва дарсликка киритиш.

9. Республика иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда ирригация, мелиорациянинг илмий асосларини ёритиб берувчи материаллар мазмунини, ҳажмини аниқлаб, уларни дастур ва дарсликка киритиш.

10. Шарқ деҳқончилиги ва чорвачилигининг илмий асосларини ўзида акс эттирувчи материалларни танлаш ва мазмунини аниқлаш, уларни дастур ва дарсликка киритиш.

Бу муаммоларни республикамизнинг шароитини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилса бўлади. Булар эса ўқувчиларнинг ҳунар билим юртларида ўқитиладиган фанларни яхши ўзлаштиришларига замин яратади. Шунинг учун ҳам бу кўрсатиб ўтилган фикрлар услубий қўлланмаларда ўз аксини топмоғи шарт.

Умуман олганда ҳозирги кунда ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг сифатини тубдан яхшилаш мақсадга лойиқ. Дарслик ва қўлланмалар ёзилишида унинг тилига, мазмунига алоҳида эътибор берилиши зарур.

Дарсликларни ёзишда, айниқса ўқувчиларнинг билим даражаларига, илмий дунёқарашларига, касбларни эгаллаш масалаларига жиддий эътибор берилиши даркор. Дарсликнинг ҳар томонлама яхши бўлиши учун, энг аввало, дарслик муаллифларининг имкониятлари, билим даражаси биринчи галда ҳисобга олиниб, танланиши муҳим аҳамиятга эга. Дарслик ёзишда психологлар, педагоглар, методист-олимлар, илғор, тажрибали ҳунар билим юртларининг ўқитувчилари иштирок этишлари зарур.

Уни ёзишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, дарслик жаҳон стандарти талабларига тўла жавоб бериши керак.

Руҳшунос олим Б.Блумнинг кўрсатишича, ўқувчиларнинг 25 фоизи фанга бўлган шахсий қизиқишларига, 25 фоизи ўқитиш методикасига, 50 фоизи эса ўқувчи психологияси (руҳияти)га боғлиқ экан. Демак, дарслик яратишда муаллиф ана шуларга таянмоғи зарур, бўлади. Назария шунда амалиётда тўғри талқин топади.

Ю.МАҲМУДОВ,
ҳунар таълими ходимлари малакасини ошириш Республика институтининг касб психологияси ва педагогикаси кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори.
Қ.БОЙМИРОВ,
доцент, педагогика фанлари номзоди.

МЕҲНАТНИ СЕВГАН ИНСОН

Фидойи инсон Шарифхўжа Турдихўжаев 70 ёшни қаршилади. Шарифхўжа ака деганимизда кўз олдимизга ҳалол, ўз касбини севган меҳрибон ўқитувчи, тарбиячи, милиция фидокори гавдаланади.

Бутун умрини халқига бағишлаган бу инсоннинг меҳнат фаолияти жуда эрта бошланди.

У 1935—36 йилларда Тельман шаҳарчаси қурилишида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган бўлса, кейинчалик кўплаб қурилиш, завод, фабрика, мактаб, техникум ва институтларда ишлади.

Мустақил ирода соҳиби бўлган Шарифхўжа ака учта олий ўқув юртида таҳсил олиб ўқитувчи, ҳуқуқшунос, иқтисодчи касбларини эгаллади. Шарифхўжа аканинг педагогик фаолияти айниқса таҳсинга лойиқ.

У 39, 40, 51, 165-ўрта мактабларда 124, 142, 129, 157-техника билим юртларида, Тошкент қишлоқ хўжалик техникумида тарих, жамиятшунослик, сиёсий иқтисод, ҳуқуқшунослик фанларидан ёшларга сабоқ берди. Дарсларни ўтганда ҳам жуда қизиқарли, сермазмун қилиб ҳар хил кўргазмали қуроллар асосида ўқувчию талабаларга етказишга ҳаракат қиларди.

У киши тиниб-тинчимас жамоатчидир. Меҳнатсеварлиги, атрофдагиларга меҳрибонлиги, доимо халқ манфаатини ўйлаши туфайли Шарифхўжа ака оддий ишчидан, собиқ Киров туман прокуратурасининг терговчиси, прокурори, Тошкент область ички ишлар бошқармасининг катта оператив ходими даражасига кўтарилди.

У ўзининг муносиб хизматлари учун кўплаб туман, вилоят, Республика фахрий ёрлиқлари, медаллари билан мукофотланган.

1992 йили Тошкент вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи милиция генерали Атхам Исмоилов Шарифхўжа акага фахрий ёрлиқ ва эсдалик китоблари топшираётиб шундай деган эди: «Кечаги авлод сизнинг милиция фидокори бўлиб хизмат қилганингизни унутмайди. Сиз кўрсатган жанговарлик келажакда ёшларга ўрнак бўлади. Яқиндагина Шарифхўжа аканинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа бўлди — у Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасининг «халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ҳа, умр йўли кўпларга ўрнак бўлса арзийдиган бу инсонга қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин, деймиз.

Алишер ИСҲОҚОВ,
Мирсоатжон ШОМУРОДОВ.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА



Ҳиндистонда конгресс партияси ва ҳукмрон бирлашган фронт коалицияси ўртасида зиддият кучайди. Парламентда икки тараф депутатлари ўртасида муштлашиш юз берганидан сўнг парламент тарқатилган эди. Конгресс партияси бирлашган фронтни ўз коалициясидан Тамил дем ка партиясидан чиқаришни талаб қилмоқда. Аввалроқ чиқарилган ҳукмга кўра олти йил аввал Бош вазир Ражив Гандининг суиқасдида ушбу партиянинг қўли бордир.

***

Япония ҳукумати Японияннинг энг катта брокер ширкатларидан бири «Ямаячи секуйити» ёпилганидан сўнг мамлакат иқтисодидаги вазият ўзгармади, деб айтмоқда. Ушбу ширкатнинг ёпилиши япон тарихида содир бўлган энг катта иқтисодий фожиадир. Бош вазир Ятара Хошимато ҳукумат мулозимларига мамлакат молия тизимида барқарорликни сақлаш учун зарур чоралар кўришни юклади.

***

Вьетнам пойтахти Ханойда Россия Бош вазири Виктор Черномирдин ва унинг Вьетнамдаги ҳамкасабаси Пхан Ван Хай икки тарафлама иқтисодий ва савдо масалаларини муҳокама этишмоқда. Черномирдин жанобларининг уч кунлик ташрифининг мақсади совет даврларида Вьетнамга ажратилган қарзларни қайтаришдир. Россия ҳукуматининг гапига кўра Вьетнам Россияга 17 миллиард доллар қарздордир. Бироқ Вьетнам тарафига кўра рублнинг қиммати пасайганлиги туфайли ушбу қарзнинг миқдори 2 миллион доллардан ошмайди.

***

Жанубий Ливанда Исроил босиб олган минтақаларда Хезбуллоҳ жангчилари ва Исроил армияси ўртасида тўқнашувлар юз берди. Исроил армиясининг маълумотига кўра тўқнашув натижасида уч Хезбуллоҳ жангчиси ҳалок бўлди. Хезбуллоҳ эса бу хабарларни рад этиб барча талофотларни фақат Исроил армияси кўрди, деб айтди. Айни вақтда Исроил учувчилари Жанубий Ливандаги БМТ тинчликни сақлаш кучлари ёнида жойлашган Хезбуллоҳ қароргоҳларига ҳаво ҳужумларини уюштирди. Кеча бундай ҳужумлар натижасида хавфсизлик зонасида 8 ливанлик ҳалок бўлди.

«ВВС» (ЛОНДОН).

Cho'lpon tavalludining 100 yilligiga

ТАЪЛИМ ЖОНКУЯРИ

Чўлпон 20-йилларнинг энг долзарб муаммоси — маориф масалаларига катта эътибор берди. Уз халқини саводхон бўлишини орзу қилган шоир янги мактаблар очиш ҳусусида кўплаб мақолалар ёзди. Маълумки, янги иқтисодий сиёсат туфайли ҳамма болалар мактабларда ўқиш имкониятига эга эмас эди. Мактаблар етишмас, ўқитувчилар кам эди.

Билим олишга интилган болаларни сарсон-саргардон кўрган шоир қайғуриб «Руҳимиз ўлмасун» мақоласини ёзади. «Туркистон» газетасининг 1922 йил, 4 ноябр сонида эълон қилинган бу мақола зиёлиларимизга сезиларли таъсир кўрсатади. Улар шоирга ҳайрихоҳ бўлиб, маориф ишларимизга кўпроқ фойда келтириш ниятида амалий таклифлар билан чиқадилар. Уз ҳовлиларида, ўз уйларида мактаблар очиб, халққа зиё нури тарқатишга ҳаракат қилдилар.

Натижада Тошкентнинг ўзида бир неча хусусий мактаблар очилади. Гарчи улар тўлақонли мактаб талабларига жавоб бермасалар-да, халқ фарзандларини илм-маърифатдан баҳраманд этишга ҳисса қўшади. Қуйида ушбу мақола билан танишасиз.

РУҲИМИЗ ЎЛМАСУН

Сўнгги вақтларда матбуотимиз маориф масалаларидан кўбгина баҳс қилмоққа бошлади. Таъминот тўғрисидан кўпинча халқнинг ўз бўйнига юклатилган мактаб ва ўқуш ишлари кўб куч ва ғайрат сарф қилмоқ билангина истакка мувофиқ юруб борса мумкиндир. Йўқ эрса аввалдан келган қуролмаслик ва эътиборсизлигимизнинг давом эта бериши маорифимизни бўғуб ўлдургусидир. Мактабларни таъмин этмак вазифаси ўз бўйнига тушган халқимизнинг савийа фикрийаси мактаб ва ўқиш-ўқитиш ишларига назари маълумдир. Мавлуд муносабати билан Тошкентда маҳкама шўъбаси томонидан йосолғон улуғ намойишда бу эътиборсизлиқнинг заҳарли самараси жуда очиқ кўрулди. Бизни йашатишга эмас, ўлдурушга судрай турғон эски мактаб болалари хорлиқ ва масканатни кулдириб турғон қонсиз чеҳралари билан ола-була тўнлар кийиб, Жомеъ билан Қукалдош саҳнасига тўлғон чоқларида халқнинг кўзи йошлар билан тўлди. Халқнинг кўзларидан тўкилган у йошлар нодонлик ва таассуф орқасида келган беҳуда ва шунинг билан бирга самимий йошлардир. Бу манзара қаршисида бутун умрини халқнинг маорифи, янги мактаби, тараққий ва таолийси учун сарф этган кишилар бошқа тушунча, бошқа ўйлар билан йиғладилар. Бир мунча вақтдан бери маориф ишларидан четда юрган эски бир маориф ходими ўшал манзарадан олғон таъсиротини жуда аччиг қилиб англатди. Унинг маориф ишларидан четда юриши учун гуноҳини кимнинг буйнига қўйа оламиз. Ҳар ҳолда мавлуд кунидаги ҳазин манзарага шу чекалаб юришларнинг хийла улуғ таъсири бордир. Ҳозир ҳукумат қарамоғида бўлғон мактабларнинг сони жуда оздир. Бўлғон қадарисини ҳам ҳукумат тўла ва етарлик равишда таъмин қила олмайдир. Янги иқтисодий сийосат (нэп) деган нарса билан букун жуда бузулуб кетган халқ руҳи мавлуд куни қурганимиз каби масканат манбаъи бўлғон эски мактабларда бўлса, ул мактаблар бундан сўнг шубҳасиз кундан кунга кучайиб борғусидир. Уларга қарши курашмак лозимдир. Фақат бу курашни ҳеч бир қандай куч билан давом этдириб бўлмас. Бунинг учун ҳукумат қарамоғида бўлғон мактаб ва интернатларни кучайтирмак, тўлайтирмак ва ҳар жиҳатдан мукаммаллашдирмак керакдир. Бунинг устига яна халқ ҳисобига ҳам янги усул мактаблар очдириб, уларни ҳам моддий ва маънавий йоқлардан мукаммаллашдиришга бугун маориф ва йошлик кучларини сарф этдирмак керакдир. Тааҳжубки, бизнинг учун тескари бўлғон жарайон натижасида келиб чиққан шу ҳолларнинг айбини биримиз дўлга ва биримиз тегирмонга қўймоқ билан фақат аҳволни оғирлашдирғон бўлурмиз. Тегирмон тарафдорлари ва дўлни йоқлаґучилар учун қўшмоқ бир вазифа бор: бор қадар янги мактабларни ҳар жиҳатдан мукаммаллашдириб, эски мактаб таҳликасига қарши курашмак! Ҳозир шу мақсад билан болалар ҳафтаси йасалмоқдадир. Дўл деганлар-да, тегирмон деганлар-да очиқ майдонда ўзларини кўрсатсунлар.

«Туркистон» газетаси, 1922 йил, 4 ноябр.

Нашрга тайёрловчи:
филология фанлари доктори Эргаш УМАРОВ.

АБДУЛҲАМИДНИНГ ИЛК САҲНА АСАРЛАРИ

Чўлпон «Узбекистон Ижтимоий Шуролар жумҳуриятининг иккинчи маданиятчилар қурултойи муҳтарам раёсат қайъатига» йўллаган Арзномаси шундай бошланган эди:

«Муҳтарам қурултойнинг ишларига маъзур вожихлар билан бўлиб, яқиндан арзлаша олмаганим учун таассуф қиламан ва сиз муҳтарам ҳайъатдан ўтинаманким, менинг қуйидаги арзимни муҳтарам қурултойга етказсангиз экан...».

Аён бўлдики, Чўлпон 1927 йил 5 октябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган маданият ходимларининг 2-қурултойига қатнашмаган.

Машҳур сўз санъаткори арзномасида ўз фаолиятини ўша давр сиёсати нуқтаи назардан таҳлил қилиб берган. Арзноманинг охирида у бундай ёзган: **«Мундан сўнг ўз фаолиятим учун ўзим севган театрнинг пьесаларини мунтазам кузатиб борган.**

1922 йили Б.Пестовскийнинг ўзбек театри юзасидан иккита мақоласи «Искусство и жизнь» журналининг биринчи сонида (7—8-бет) ва «Наука и просвещение» журналининг 1922 йил август-сентябрда 1-сонида («Узбек театри») эълон қилинган. Бу мақолаларнинг аввалгисида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш», Абдурауф Абдураҳимов — Фитратнинг «Чин суйиш», «Ҳинд ихтилолчилари» (ихтилол-кўзғолон) ва бошқа пьесалар ҳақида фикр юритилса, «Узбек театри» мақоласининг давомига «Янги ўзбек драматурглари» деб изоҳ берилган. Ушбу мақолада муаллиф Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Уйғур, Ғози Юнус, Ҳожи Муин Шукурла ўғли, Чўлпон, Хуршид, Абдулла Авлонийнинг туғилган давҳамда 1921 йил январ ойида «Турон» театрида қўйилган «Ҳалил фаранг» пьесалари ҳам мансубдир.

Ҳозирги пайтда Чўлпон «Чўрининг кўзголиши» пьесасини ёзмоқда. Бу пьесада илм-маърифатли, аммо паранжи-чачвонни тарк этишига эри йўл қўймаётган ўзбек аёлининг фожеавий ҳаёти ифодаланади. Бу аёл спектаклнинг «Шарқ кечаси» саҳнасида русча кийиниб, юзига ниқоб тутган ҳолда пайдо бўлади ва ажойиб овоз билан ашула айтади. Гулдурос қарсаклардан сўнг саҳнага яна чиқиб, шу вақтгача эски бидъат ва расм-русумлардан қутула олмаётган ёшларнинг ҳаммасини ҳеч аёвсиз танқид қила бошлайди.

Бундан ташқари, Чўлпон «Ўлдургучи» («Убийца») пьесаси устида ишлаяпти («Наука и просвещение», 1-сон (август-сентябр), 1922).

Бу маълумотларни Б.Пестовский, ишончимиз комилки, машҳур адибнинг ўзидан олиб ёзган. Бунга юқорида кўрсатилган саналарнинг аниқлиги ҳам гувоҳлик беради.

Абдулҳамид Сулаймон асарлари билан 20-йилларнинг бошлариданоқ катта ёшдагилар ҳам, мактаб ўқувчилари ҳам қизиқиш билан таниша бошлаганлар. Мактабларда 1922 йили Туркистон Давлат нашриётида чоп этилган «Узбек ёш шоирлари» тўпламидан ўқув китоби сифатида ҳам фойдаланилган (бу тўпламда Чўлпоннинг 13 шеъри берилган), шоирнинг 1923 йили босилиб чиққан «Уйғониш» тўпламидан юқори синфларда кенг фойдаланилган. Зиёлилар Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусовнинг асарларини қунт билан севиб ўқиган, ёдлаб олганлар.

Камина, кекса педагог, Абдулҳамиднинг киндик қони тўкилган жой Андижонда, шунингдек, Мустақил Узбекистоннинг пойтахти азим Тошкентда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбекка ўрнатилажак ҳайкалларнинг халқ учун зиёратгоҳ бўлишини орзу қиламан.

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ,
педагогика фанлари номзоди.

ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ ДАВРАСИДА

...Бу хонада фақат аёллар ишлашади. Бирлари қувноқ, бирлари жиддий, яна бирлари содда. Аммо барчаси ҳам ўз соҳасининг «пир»лари. Кези келса, олис вилоятларга хизмат сафарларига ҳам жўнаб кетишади. Баъзан соатлаб давом этадиган баҳсларга ҳам қатнашади. Хона саранжом-саришта, тувакларда гуллар барқ уриб ўсиб ётибди. Ўз маблағлари эвазига оқлаб, бўялгач, у ёқ бу ёғи тартибга келтирилган хона янада файзли бўлиб қолди.

Зоя Алексеевна Пояркова ана шу хонадаги иш столларидан бирида ўтирибди. У кўпинча жиддий, столга мук тушиб ишлайди. Ҳамхоналари билан салом-алик қилади-да, иш қоғозларини ўқишга, титишга киришади. Гаплашишга, у-бу мавзу устида баҳслашишга вақтини қизғанади.

Рости, ҳамхоналарининг «Зоя Алексеевна 27 ноябрда роппа-роса 60 ёшга тўлади» деганларини эшитиб ажабландим. У ўз ёшига нисбатан анча кичик, менинг тахминимча эса нари борса 40-45 ёшлар чамасида кўринарди.

Аёл кишининг ёш кўриниши сира нимада? Буни ҳар ким ҳар хил шарҳлайди. Айримлар бунинг сабабини қувноқ табиатлилик деб билишади. Бошқалар эса турмуш ўртоғи билан ниҳоятда аҳиллиқда яшашларидан деб қўядилар.

Хуллас, Зоя Алексеевна яшаган 60 ёшнинг аксарият қисми мактаб билан боғлиқ. Рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб, қайси даргоҳда ишламади? Қаерда ишламасин, ўз ишига шу қадар шунғиб кетадики, атрофидагилар унинг ишчанлигидан, толмаслигидан ҳайратланишарди. Унинг қотма, нозик қоматига шунчалик куч-ғайрат сиққанлиги чиндан ҳам таажжубланарли эди.

Ҳозирда эса у нафақада бўлишига қарамай республика таълим марказида методист. Тўғриси, уйда ўтириш унинг табиатига ёт. Уйда зерикиб ўтиришдан нима фойда? Ундан кўра ишлаган маъқул. Фарзандлари эса улғайиб қолишди. Бу нозик жуссали аёлнинг тўрт фарзандни дунёга келтирганига ҳам кўплар ишонмайди. Лекин бу бор гап. Сергей, Алексей, Иветта, Зоя. Улар мустақил, лекин кўпгина масалаларда онаси билан маслаҳатлашадилар.

Зоя Пояркова маънавият ва қўшимча таълим бўлими бошлиғи муовини, 20 дан ортиқ методик тавсиялар-нинг муаллифи. Елиб-югуриб, йўқни йўндириб, имкон ахтариб ишлаётган бир аёл. Уйидан ишхонасига, ишхонасидан эса уйига шошадиган минглаб аёллардан бири.

Қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин, Зоя опа! Ҳамиша ёшариб юраверинг!

Ҳ. ТЎЙМАНОВА.

Uzunda respublika seminari bo'lib o'tdi

РЕЙТИНГ ТИЗИМИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

СЎЗ БОШИ

Машҳур Ҳисор ва Боботоғ тизмалари этакларида жойлашган Сурхондарё вилоятининг Узун тумани қўшни Тожикистон давлати чегараси билан 140 километр масофа бўйлаб туташган. Қишлоқлари, пахтазорлари орқали қўшни давлатнинг пахтаси бир қаричлигида ўсишдан тўхтаган бўлса, ўша пахтазорга туташ Ўзбекистон ерларида, янаям аниқроғи 12-мактаб жойлашган Жўра Эшмирзаев номли жамоа хўжалигида ҳар гектаридан 42 центнердан пахта, гектаридан 42 центнердан ғалла йиғиштириб олинибди. Жамоа раиси Тошпўлат Тошев Президент ва ҳукумат олиб бораётган оқилона сиёсат натижаси — юртимиздаги тинчликнинг нақадар аҳамиятли эканлигидан тўлқинланиб гапирди. Таълим соҳасида ҳам шундай. Афғонистондаги мусофирчиликдан Ўзбекистон орқали қайтаётган тожик биродарларнинг етовидаги болалар мактаб нималигини унитгандир, бироқ қўшни Ўзбекистон қишлоғи мактабида нафақат ўқиш, балки таълимда ислоҳ давом этяпти. Илоё тинчлигимиз боқий бўлсин!

МАҚСАД

Газетамизнинг ўтган сонида таъкидлаганимиздек, Сурхондарё вилояти Узун туманидаги Таълим муассасалари фаолиятини ва ўқувчилар билимини диагностик таҳлил этиш бўйича республика семинари янги тизимга ўтиш борасида ўзига хос босқич бўлди, дейишга асосимиз бор.

Семинардан асосий мақсад баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтишда Узун тумани тажрибасини ўрганиш, шунингдек бошқа вилоятлардаги тажрибалар натижаларини эшитиш, бу борадаги янгилик ёки муаммолардан хабардор бўлиш ва биргаликда ечим излаш эди.

Семинарнинг биринчи куни қатнашчилар Узун туманидаги кўпгина мактабларни уч гуруҳга бўлинган ҳолда кўриб, уларнинг ишлари, натижалари билан танишиб чиқишди. Хўш, фикрлар қандай? Аввало мезбонлар сўзларини тингласак...

УЗУН ТАЖРИБАСИ

Бу ҳақда туман халқ таълими бўлими мудири (айни кунда ҳоким ўринбосари) И. НАЗАРОВ шундай ҳикоя қилади:

— Республика халқ таълими вазирлигининг 1996 йил 23 майдаги 115-буйруғи асосида туманимизда ҳам ўқувчилар билим даражасини аниқлашнинг «5» баҳо меъёридан кўп баллик — рейтинг тизимига ўтилмоқда. Ўтган йили биз уни тажриба тариқасида юқори синфларда қўлладик. Бу усул аксарият педагогларни қизиқтириб, уларни ўз устида тинимсиз иш олиб бориш, фан сирларини ўқувчилар онгига сингдиришнинг қулай, анъанавий йўлларини излаб топишга ундади. Бу меҳнатлар натижаси — битирувчи IX ва XI синф ўқувчиларининг асосий фанлар бўйича тест саволларига берган жавоблари диагностик таҳлил қилинди ва китобча ҳолида нашр этилди.

Кўп йиллик тизимга ўтишда фан ўқитувчилари дарслик китобларидаги мавзулар ва ўқув дастури орасида чораклар бўйича ва йил давомида олинадиган жорий, назорат ва якуний тестлар миқдорларини белилаб олдилар ва иш режаларига киритдилар.

9-10-11-синфлар ўқувчилари учун назорат дафтарчалари ташкил этилиб, қўйилган баллар ўқувчи ва унинг ота-онаси кўриши учун назорат дафтарига ва синф журналларига қайд этиб борилмоқда.

Ҳар бир синфда ва мактаб залида назорат ойнаси ташкил этилиб, баҳо натижалари қайд этиб бориляпти.

Ўқувчиларни кўп баллаи тизимда баҳолашни бир синф мисолида кўриб чиқайлик. Дастурда IX синфда кимёвий тушунчаларни ўрганишга 102 соат ажратилган. Ўқитувчи август ойида иш режаси тузишда умумий соатларни тақсимлаб чиқади. Яъни 54 соатни янги тушунчаларни ўрганиш дарсига, 8 соатни амалий машғулотлар ўтишга, 11 соатни мустақил масалалар тузиш ва ечишга ажратади.

Кўп балли тизим асосида баҳолашда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ўстириш учун қўшимча адабиётлардан фойдаланишга катта аҳамият бериш зарур. Бунинг учун ўқитувчи 3 соат семинар дарси, 2 соат экскурсия дарси, 4 соат саҳналаштирилган дарс, 3 соат илмий ижодий иш ва рефератлар ёзишга ажратади. Шунингдек, умумий соатлар ҳисобидан 18 соат ёзма ишлар ва назорат тестлари ўтказишга режалаштирилади. Шундан сўнг ўқувчилар билимини баҳолашнинг асосий шакллари режалаштирилади. Бунда назоратнинг йил давомида олиниш миқдори белгиланиб, ҳар бир назорат учун балл аниқланади. Масалан: ўқувчининг дарсда хавфсизлик қоидаларига риоя қилишига 0,5 балл, дарсда доимий қатнашиш ва интизомига 0,5 балл, кимёвий формула ва тенгламаларни ёза олиш маҳоратига 5 баллдан, мустақил масалалар тузиш ва ишлай олишига 5 балл, амалий машғулотларни бажаришига 5 балл, ёзма ишларга 5 баллдан ажратилади. Йил давомида ўқувчи 50 дарсда 0,5 баллдан жамғарса, йил давомида 25 балл бўлади. Ўқитувчининг дарсга доимий қатнашиш ва интизоми ҳар бир дарсда ҳисобга олинади. Шунинг учун ўқувчи йил давомида 51 балл жамғаради. Кимёвий формула ва тенгламаларни ёза олиш қобилияти 10 марта назоратга олинса, ўқувчи йил давомида 50 балл тўплайди. Мустақил масалалар тузиш ва ишлашга 11 соат ажратилса, йил давомида 55 балл тўпланади. Амалий ишларга ажратилган 8 соатдан 40 балл, йил давомида 4 марта олинадиган ёзма ишлардан 20 балл тўпланади. Шундай қилиб семинар, саҳналаштирилган дарслар, илмий-ижодий иш, реферат тайёрлаш, экскурсия дарслари, уйга берилган топшириқ жорий, якуний тест сўровлари ҳам балли системада шу тарзда баҳоланади. Дейлик, IX синфда назоратнинг йил давомидаги миқдори 239 та қилиб белгиланади. Ҳар бир назоратга белгиланган балл йиғмаси эса 100 баллдан ҳисобланса, ўқувчининг йил давомида тўплаган максимал балли 831 баллни ташкил этади.

Энди 5 балли системага асосан баҳолаш мезони ишлаб чиқилади. 664 баллдан 831 баллгача, яъни 80 фоиздан 100 фоизгача («5») аъло баҳо, 489 дан 664 гача 60 фоиздан 80 фоизгача («4») яхши баҳо, 332 дан 498 гача 40 фоиздан 60 фоизгача («3») қониқарли баҳо, 332 дан, яъни 40 фоиздан ками («2») қониқарсиз баҳо деб ҳисобланади.

Бу, албатта, ўқитувчидан катта меҳнат ва маҳорат талаб қилади. Чунки ўқитувчи йил давомида иш режада белгиланган назорат турларининг аниқ бажарилишини таъминлаши, назорат балларини ўқувчи дафтарига ва журналга қайд қилиб бориши ҳар бир ўқувчининг чораклик балларини ҳар бир миқдор белгиси асосида ҳисоблаб чиқариши ва йиллик баллни белгилаб бориши зарур. Бу борада тумандаги 1, 2, 3, 4, 6, 12, 19, 20, 25, 27-мактабларда бой тажриба тўпланган. Тажрибали ўқитувчилар ўқувчиларни кўп баллилик тизимида баҳолашни муваффақиятли равишда амалга оширмоқдалар.

УЗУНЛИК МУАЛЛИМЛАР ФИКРИ

Робия РАҲМАТЖОНОВА, Узун туманидаги 4-ўрта мактабнинг олий тоифали география фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси, ЎзФА география жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

— География фанидан дарсда қўйилган талаблар ва белгиланган баллар тақсимотида ўқувчилар чорак ва йил давомида ҳар бир дарсга қатнашиши, интизоми, хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши, харитадан жойларни кўрсата олиши, савол-жавоб дарсларига мунтазам қатнашиши, уйга берилган вазифаларни тўлиқ бажариши ва топшириқ юзасидан жорий, чораклик, якуний тест сўровларига жавоблари ҳар бир дарс қоидаларига мувофиқ белгиланган баллар бўйича ҳисобга олиниб ўқувчиларнинг тўплаган баллари орқали рейтинги ва баҳолари аниқланади.

Ўтган ўқув йилларида баъзи синфларда дарс қолдириш ёки лоқайдлик ҳоллари кўп учраб, билимга чанқоқлик унчалик сезилмасди. Бу йилги тест-рейтинг тизими жорий қилингач, ҳар бир ўқувчи ўтилган дарс машғулотларида фаол қатнашиб, белгиланган балларни олишга ҳаракат қилди. Чунки ҳар бир дарсга тўлиқ қатнашиши учун ҳам алоҳида балл қўйилади, бунда ҳар бир ўқувчи ўзида масъулият сезди ва дарсга оид ўқув қуроллари билан тўлиқ қатнаша бошлади. Бу эса давоматнинг ҳам ўтган йилга нисбатан яхши бўлишига сабаб бўлди. Сабабли ёки сабабсиз дарс қолдирган ўқувчилар ҳам қолдирган дарсларни қайта ўзлаштириб балл олиш учун дарслардан сўнг қўшимча машғулотларда қатнашдилар. Бунда улар савол-жавобларга қатнашиб, хариталар билан ишлашда қўшимча билимга эга бўлдилар, қолдирган машғулотлар учун қўшимча балл олдилар.

Мен дарс бераётган 6-синф ўқувчиларининг юқоридагиларга тушуниб, қизиқиб амал қилган ҳолда, ўз билимларини ошириши ва тест саволларига жавоб беришлари яхши натижалар бермоқда. Бунда баъзи паст билимга эга бўлган ёки лоқайдроқ ўқувчилар ҳам умумий билимимиз камайиб кетмасин деб дарсларга фаол қатнашмоқда. Натижада ўқувчилар билим савиялари юқори кўтарилди.

Зиёдулла РАҲМОНОВ, 19-мактаб директори.

— Баҳолаб боришнинг рейтинг тизимини ишлаб чиққач, унга асосан ўқитувчилар иш фаолиятини баҳолаб боришнинг рейтингини ишладик. Ишни янада ривожлантириш мақсадида мактабнинг тажриба майдонидан тушган даромаддан ўқитувчи ва ўқувчиларни рағбатлантиришни йўлга қўйдик. Булар мактабда олиб борилаётган таълим тарбия ишларини тубдан ўзгаришига, ривожланишига, интизомни йўлга қўйилишига сабаб бўлди. Менимча ҳар бир ўқитувчи иш фаолияти даврида улкан муваффақиятларни қўлга киритиш сари интилади. Ўқитувчилар ўртасида кўп балли рейтинг тизими қўлланилганда йил давомида улар ўртасида ўзаро мусобақа вужудга келади, юқори баллга эга бўлиш сари интилади. Ҳар бир балл эса ўқувчига берилган сабоқ, унинг ўзига хослиги, натижа бериши билан белгиланади. Ўтган ўқув йили якунига кўра она тили ва адабиёти ўқитувчиси Н. Муҳаммадиеванинг рейтинги юқори бўлди. У 1200 имкониятдан 939 балл йиғиб «Йил ғолиби» деб топилди. Қўшимча даромаддан қимматбаҳо пат гилам ва минг сўм мукофот бердик. Яхши натижа кўрсатган қатор муаллимларимизга ҳам қимматбаҳо совғалар ва қўшимча дарс соатлари ажратдик. Паст натижа кўрсатган 5 нафар ўқитувчиларнинг дарс соатлари қисқартирилиб, огоҳлантирилди.

МЕҲМОНЛАР ФИКРИ

Қурбонали ТЎЛАБОЕВ, Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги 115-мактаб-интернати директори, «Ўқувчилар билимини баҳолашда рейтинг-тест усулидан фойдаланиш» методик тавсиянома муаллифи.

— Мен Узун тумани халқ таълими бўлими мудири И. Назаровнинг бу ишлари билан 1996 йил Бухорода ўтказилган республика педагогик ўқишларида танишгандим, энди бевосита кўрдим.

Қисқа вақт ичида эришган қуйидаги нарсалар мақтовга сазовор деб ўйлайман.

— ХТБ мудири И. Назаров таълим муассасалари раҳбарлари билан шартнома асосида иш ташкил этган, талаб қилган ва жараённи диагностик таҳлил қилган.

— ХТБ мудири ўринбосари Э. Эрназаров эса синф ўқувчилар фаолиятини диагностик таҳлил қилган.

— Мактабда ўтказиладиган барча тўгараклар учун ўқитувчига маош тўланган. Мактабда ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга катта эътибор берилган.

— Барча муассасаларда илмий иш тақсимоти ўтказилган ва системали назорат қилиниб, чорак мобайнида диагностик таҳлил қилинади.

— Мактабларда, туманда методик ишлар яхши ташкил этилган. 1997 йил ичида 8 та ўқитувчи янгилиги, 2 та мактаб тўла тажрибаси китобча шаклида чиқарилган. Барча мактабдаги янгиликларни метод кабинетда видеода кўриш мумкин.

— 1997/98 ўқув йилида Узун туманидаги барча мактабларнинг 1—XI синфигача «Ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп баллик тизими»га ўтилган. Республика Халқ таълими вазирлигининг 1996 йил 115-рақамли буйруғи асосида иш ташкиллаштирилмоқда.

ЯЛПИ ЙИҒИНДАГИ БАҲС ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Юқорида мутахассис фикридан маълум бўладики, Узун туманида рейтинг тизимига ўтиш борасида каттагина меҳнат қилинган. Ялпи йиғинда И. Назаров туманда амалга оширилган ишлар билан таништирди. Семинарга ҳам катта тайёргарлик кўрилган. Қатнашчиларга улашилган ҳужжатлар тўпламида 12 та китобчага жойланган методик тавсиялар, диагностик таҳлиллар, тестлар мавжуд. Уларнинг барчаси мазкур йилда чоп этилган.

Ялпи йиғинни бошқарган Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов республика миқёсида қўйилган бу масалага қатнашчиларни мутахассис нуқтаи назаридан қарашга, фикр билдиришга чақирди. Ҳар бир вилоятда бундай тажрибалар мавжудлигини ва бу борадаги қилинган ижобий ишларни таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, жуда хилма-хил, кўпчилик ҳолларда ўринли фикрлар айтилди. Масалан, кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, рейтинг тизимини республика миқёсида қўллаш керак. Бироқ ҳар бир туманда, айрим ҳолларда ҳар бир мактабда баҳолаш мезони ўзига хос. Бунда умумий баллар миқдори ҳам бошқасига ўхшамайди. Тажриба тариқасида бўлгач бу табиий ҳолдир. Бухоро вилояти ПХМОИ директори И. Асадовнинг таъкидлашича, рейтинг тизимини республика миқёсида қўллаш даври келганлиги, бунинг учун ягона талаб меъёрини ишлаб чиқиш лозимлигини ва бу борада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиб берди. Бундан ташқари Наманган, Хоразм вилоятлари ҳам ўз тажрибаларини гапириб беришди.

Фикрлар турличалиги рейтинг тизимининг ички тартиботларида кўринган бўлса, умуман бу тизимнинг бола учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам фойдали эканлигини ҳамма бир овоздан маъқуллади.

ҚИССАДАН ҲИССА

Рейтинг натижаларининг диагностик таҳлили орқали мавжуд камчилик ва муаммоларимиз аниқланиб, келгусидаги иш фаолиятимизни белгилаб олар эканмиз, демак шунча изланишларимизнинг самарали бўлиши табиий ҳолдир. Буни мазкур анжуманда барча қатнашчилар тасдиқлашди.

Узбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджоновнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда таълим муассасалари олдида турган долзарб вазифалар ҳақидаги маърузаси барча томонидан қизиқиш билан қарши олинди. Й. Саиджонов Янги қонун ва миллий дастурнинг давлатимиз ривожи учун аҳамияти ҳақида гапирар экан, унинг «Таълим тўғрисида»ги эски Қонун билан таққослади. Қиёсда Янги қонунимиз ва дастурда таъкидланган таълимнинг узлуксизлигига қатнашчилар эътиборини қаратди.

Бунда жойларда қатор тадбирлар амалга оширишни, бунинг учун асосий ижрочи — муаллимлар бўлишини ҳам таъкидлаб, қатор тадбирларни санаб ўтди. Жумладан, барча болаларни ҳам мактабгача тарбия муассасаларида қатнашларининг имкони йўқ. Бола мактабгача таълимни оилада олиши керак. Бунинг учун ота-она тайёрми? Йўқ. Демак жойларда маслаҳат пунктларини, ота-оналар университетларини очишимиз керак. Уларнинг низомлари, режалари ва албатта, ташкилотчилари аниқ белгилаб қўйилиши керак. Бундан ташқари таълим муассасасининг моддий базасини кўтариш учун ҳам вазифаларни белгилаб олиш кераклиги, бунда мактабнинг ички имконияти, ҳокимликнинг, маҳалла ва оиланинг вазифаси алоҳида кўрсатилиши лозимлиги ҳақида гапирди. Шунингдек, Й. Саиджонов бу масалалар юзасидан турли саволларга ўринли жавоб қайтарди.

Семинар — кенгаш ўз вазифасини адо этди, деган фикрда қайтдик.

Xalq ta'limi va hokimiyat

ТАЪЛИМ ҲОКИМЛИКНИНГ ЭЪТИБОРИДА

Ҳавоси доимо сўлим туманимиз Боботоғ ва Ҳисор тоғлари орасида жойлашган, шимол тарафдан эса қардош Тожикистон республикаси билан қўшни. Тўпаланг, Қорасув, Обизаранг, Қоратоғ дарёлари бизнинг туманимизда ўзаро қўшилиб азим Сурхон дарёсини ташкил этадики, Сурхондарё вилоятининг номи ҳам шундан олинган. Воҳанинг гуллабяшнаши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, халқининг фаровонлиги ҳам ана шу дарёларнинг тўлиб-тошиб оқишига боғлиқ.

Туманимизда 123 минг аҳоли истиқомат қилади. 11 та жамоа хўжалигимиз, 264 та деҳқон-фермер хўжалиги, 31 та кичик корхона, 105 та хусусий фирмаларимиз фаолият кўрсатмоқда.

Узун темир-бетон буюмлари заводи, пахта тозалаш заводи маҳсулотлари нафақат республикамизда, балки қардош республикаларда ҳам қадрланади. Узунликлар Боботоғ пистаси, Узун хурмоси, Ҳисор қўйлари билан фахрланишади. Хондиза рангли маъданлари, Ғозғон мармаридан қолишмайдиган Хожааспин мармар конлари республикамизнинг олтин заҳираси ҳисобланади.

Туманимиз аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланишади. Инсон манфаатлари йилида туман қишлоқ хўжалик ходимлари баракали меҳнат қилдилар. Ғалла мустақиллиги учун фидокорлик кўрсатаётган туман ғаллакорлари ҳар гектардан 40—45 центнердан ошиб бошоқли дон етиштирдилар. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, пилла тайёрлаш режалари ҳам муваффақиятли якунланди. Пахтакорларимиз йил давомида пешона тери тўкиб меҳнат қилишиб, давлатга 20 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» сотишиб, режа ошиғи билан адо этилди.

Медицина, маданият ва маориф, спортни ривожлантириш, бу соҳалар ходимларини ижтимоий ҳимоялаш доимо диққат-эътиборимизда бўлиб келмоқда.

Дарҳақиқат ҳозирги пайтда истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёшларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, мактаб ва маорифни тубдан ислоҳ қилиш йўлида жуда кўп иш қилинмоқда. «Таълим тўғрисида»ги янги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, янги замон талаби даражасига кўтаришда муҳим омилдир.

Туманимиздаги 60 та умумтаълим мактабида меҳнаткашларнинг 29 мингдан зиёд фарзанди таълим-тарбия олмоқда. 35 та болалар боғчаларида 2500 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Шунингдек, туманимизда 2 та лицей, 1 та гимназия фаолият кўрсатяпти. Мазкур таълим масканларида ўз касбининг фидойилари ҳисобланган 3500 дан зиёд ўқитувчи ва тарбиячи баракали меҳнат қилмоқда.

Умумтаълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқувчи ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайтирилди. Биргина кейинги икки йилда таълим муассасаларига 3,5 миллион сўмлик юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар, дераза ойналари, парта, доскалар олиб бердик. 12 та мактаб, 2 та болалар боғчаси компьютер техникалари билан таъминланди. Ҳар бир мактабга ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларни ижтимоий қўллабқувватлаш учун жамоа хўжаликлари ҳисобидан 1 гектардан ер майдонлари ажратдик.

Ёшлари соғлом ва баркамол юртнинг келажаги порлоқ бўлади. Ҳукуматимизнинг республикада ижтимоий тарбия ва спортни такомиллаштириш, футболни ривожлантириш тўғрисидаги қарорлари асосида ҳар бир мактабга спорт ва футбол майдончалари ажратиб бердик. Педагог ходимларимизнинг ўз соҳасида бор куч ва ғайрат билан самарали ишлаши учун барча шароитни яратиб бераяпмиз. Улар президент фармонларида кўзда тутилган имтиёзлардан тўла фойдаланмоқдалар. Ойлик маошлари ўз вақтида тўланмоқда, ўз соҳасида муваффақиятларга эришган ўқитувчилар ва тарбиячилар моддий жиҳатдан қўллабқувватланмоқдалар. Ўтган ўқув йили натижаларига кўра ўқитувчилардан 350 нафари 706 минг сўм миқдорида моддий рағбатлантирилди. Таълим муассасалари фаолиятини ва ўқувчилар билимини диагностик таҳлил этиш буйича туман мактабларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ишончим комилки, туманимиз маорифчилари бундан кейин ҳам таълимни такомиллаштириш борасида баракали меҳнат қиладилар.

Сафар ҲАСАНОВ,
Узун тумани ҳокими.

Узун туманида баҳолашнинг кўп баллик рейтинг тизими бўйича қатор ижобий, ижодий ишлар амалга оширилмоқда. Бу иш туман халқ таълими бўлими ходимларидан тортиб, оддий ўқитувчигача баҳамжиҳатликни, изланишни, ижодкорликни талаб қилади, албатта. Бунда йиғилишиб ўзаро фикрлашиш, тажриба алмашиш катта самара беради.

Суратларда: Узун туман 18-ўрта мактаб илмий бўлим мудири ва физика ўқитувчиси Ҳикматулла Жўраев баҳолашнинг рейтинг тизими бўйича тушунтириш ишларини олиб бормоқда (юқоридаги сурат). 14 ўрта мактабда ҳам ҳар бир масала баҳамжиҳатлик билан муҳокама қилиб борилади (пастдаги сурат).

«ГУЛҒУНЧА» ВИЛОЯТ ЧЕМПИОНИ

Навбат республика мусобақасига

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1994 йил 20 июль 165—сонли буйруғига асосан мактабгача тарбия муассасаларида болалар саломатлигини яхшилаш борасида «Соғлом авлод учун» дастури амалга ошириб келинмоқда. Кўзда тутилган мақсад ёш авлодни жисмонан соғлом ва бақувват, эпчил, сезгир қилиб тарбиялашдан иборат.

Мактабгача тарбия муассасаларининг ўрта, катта, тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчилари ўртасида «Соғломжон—полвонжон» оммавий спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Ҳозиргача 4 босқичда ўтган мазкур мусобақаларда туман биринчилигини Дилбар Омонова мудиралик қилаётган «Гулғунча» болалар боғчаси қўлга киритган эди.

Туманлараро минтақавий беллашув Денов шаҳрида Денов шаҳри ва тумани, Сариосиё ва Узун туманлари ғолиблари ўртасида бўлиб ўтди. «Гулгунча» болалари тенгдошларига нисбатан ҳар жиҳатдан устун эканликларини амалда курсатишди. Улар биринчи ўринни эгаллашиб, навбатдаги босқичга йўлланма олишди.

Навбатдаги босқич 27 июнь куни Шўрчи шаҳрида минтақавий гуруҳлар ғолиблари: Узун, Ангор, Қизириқ, Шўрчи туманлари ҳамда Термиз шаҳри вакиллари ўртасида бўлиб ўтди. Унда барча машқларни тенгдошларига нисбатан аниқ, тез ва тиришқоқлик билан бажарган «Гулгунча» вилоятда ҳам биринчи ўринни қўлга киритди.

Улкан ғалабада боғча мудираси Дилбар Омонова, методист Пардахол Тураева, тарбиячилардан Ҳалима Давлатова, Зулхумор Султонова, Қурбоной Очилдиева, Гулсара Бобоалиева, Зулфия Давлатоваларнинг ҳам хизмати катта бўлди. Улар болаларни мусобақага тайёрлаш, ҳар бир беллашувга руҳлантиришда қўлларидан келган ҳамма ишни қилдилар.

Энди навбат Республика биринчилиги мусобақаларига. Нафақат туман, балки вилоят шарафини ҳимоя қилиш учун майдонга тушадиган жажжи ўғил-қизлар, уларнинг тарбиячилари, спорт йўриқчилари, ота-оналар, ҳомийлар ғалабага эришиш йўлида барча имкониятларни ишга солишларига ишонамиз. Кичкинтойларга зафар тилаб қоламиз.

Х. ЖУМАЕВА.

Саҳифани Ҳ. САИДОВ тайёрлади.

Sinab ko'ring

МАТН УСТИДА ИШЛАШ ВА ТЕСТ АСОСИДА БАҲОЛАШ

Она тилидан тузилган янги режанинг муҳим жиҳати ўқувчиларнинг нутқини ўстириш ва билим олим фаолиятини фаоллаштириш ҳисобланади. Буларни амалга ошириш учун ўқувчиларни фаол фикрлашга, мустақил ишлашга, маълум тил ҳодисалари ҳақида ўйлашга, мулоҳаза, муҳокама қилишга, ўз фикрларини оғзаки, ёзма ва тест шаклида саводли баён қила олишга, хулосалар чиқаришга ўргатади.

Она тили фанида гапнинг бош бўлаклари 5-синф учун мўраккаб мавзу:

ҲОЛ. Чунки ҳолларнинг маънога кўра турлари (равиш ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли ва ҳоказолар) ва ифодаланиш усуллари (равиш, равишдош, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги от ва ҳоказо) жуда хилма-хил бўлиб, уларни ўзлаштириш қийиндир.

Бу синфда ўқувчиларга ҳол ҳақида умумий тушунча бериш билан кифояланади. Ўқувчилар ҳол — гапнинг иккинчи даражали бўлаги бўлиб, «қаерга?, қаерда?, қачон?, қандай?» суроқларига жавоб бўлишини, у кўпинча кесимни изоҳлашини ва ҳаракатнинг бажарилишидаги турли ҳолатларини (ҳаракатнинг бажарилиши ўрни, пайт, сабаби, ҳолати ва ҳоказо) билдиришни ўзлаштиришлари, ҳолни суроқ орқали аниқлашга ўрганишлари керак.

Биринчи дарсда ҳол ҳақидаги материал баён қилиниб, машқларни бажариш жараёнида мавзу, мустаҳкамланади. Мен ҳол — гапнинг иккинчи даражали бўлаги эканини, ҳаракатнинг қандай ҳолда бажарилишини (Раъно тез ва равон ўқийди), бажарилиш пайтини (Биз ёзда дам олдик), ўрнини (Болалар мактабда билим оладилар) билдиришини, юқоридаги сингари «қаерга?, қаерда?, қачон?, қандай?» каби суроқларига жавоб бўлишини ва асосан кесимга боғланишини қисқача тушунтираман. Кейин кузатиш учун берилган материал устида ишлашга ўтаман. Болалар матнни ўқийдилар. Ажратиб курсатилган сўзлар қандай суроққа жавоб бўлаётганини, гапда қайси бўлакка боғланганини, гапнинг қайси бўлаги эканини айтадилар.

103-машқда эга + ҳол + кесим тартибида тузилган гапларгина берилган машқни бажаришдан олдин мен ҳолнинг тағига доим бир ҳилда нуқталар (.....) қўйиш билан белгилаш лозимлигини уқтирдим. Ўқувчилар ҳар бир гапни ўқиб, суроқлар ёрдамида эга, кесим ва ҳолни аниқлайдилар, гапларни ёзиб, тагига шартли чизиқларни чизадилар. 104-машқни бажаришда ҳам феъл билан ифодаланган кесимга боғланган ҳолни мустаҳкамлаш мақсади кўзда тутилади. Мен машқни бажариш йўлини курсатаман, ўқувчи биринчи гапни ўқийди. Кесим (бош сўз) орқали ҳолга (эргаш сўзга) суроқ беради ва кесимга боғланган ҳолни аниқлайди. (Ўқийди). Қаерда? Мактабда. Кейин «Мактабда ўқийди» сўз бирикмасини ёзиш кераклигини эслатади. Кейин гаплардаги ҳолларни ўқувчилар шу тарзда аниқлайдилар: бажаради (қачон?), хатосиз ёзади: ёзади (қандай?) чиройли-чиройли ёзади: узлаштирмоқда (қандай), пухта-пухта узлаштирмоқда: сақлайди (қандай?), кўз қорачиғидай — кўз қорачиғидай сақлайди.

Шу ўринда мен суҳбат ёрдамида аниқловчи ҳам «қандай?» суроғига жавоб бўлишини ва от билан ифодаланган бўлакка боғланишини эслатиб, «қандай?» суроғига жавоб бўлган ҳол феъл билан ифодаланган бўлакка (асосан кесимга) боғланишини тушунтираман. Суҳбат учун қуйидагича саволлардан фойдаланиш мумкин: Яна қайси гап бўлаги «қандай?э суроғига жавоб бўлади? (Аниқловчи). Аниқловчи қайси сўз туркуми билан ифодаланган бўлакка боғланади? (Аниқловчи от билан ифодаланган бўлакка боғланади: ақлли бола). Ҳол қайси сўз туркуми билан ифодаланган бўлакка боғланаяпти? (Ҳол феъл билан ифодаланган бўлакка боғланаяпти: ақлли бола). Ҳол қайси сўз туркуми билан ифодаланган бўлакка боғланаяпти? (Ҳол феъл билан ифодаланган бўлакка боғланаяпти: мактабда ўқийди).

ХУЛОСА: аниқловчи гапда от билан ифодаланган бўлакка, ҳол эса феъл билан ифодаланган бўлакка боғланади. Шундан сўнг ўқувчилар суроқлар ўрнига гапнинг мазмунига мос ҳолни (105-машқ) топиш «қачон?, қачонгача?» суроғига жавоб бўлган пайт ҳолини (106-машқ) «қаерга?, қаерда?, қаердан?» суроқларига жавоб бўладиган ўрин ҳолини (107-машқ) аниқлаш юзасидан машқ қиладилар.

Иккинчи дарс иккинчи даражали бўлаклар юзасидан ўрганилганларни такрорлашга бағишланади. Ун ўқувчилар билан ўқитувчи тест устида ишлайди. Мен ўз ўқувчиларимнинг билимини ҳисобга олган ҳолда тест саволлари тузиб чиқаман ва шу асосда тест олиб, ўқувчиларни синайман. тест тузишда ҳам имкон қадар юқорида баён этилган тартиб мавзу буйига олинган билимлар синовдан ўтказилишига аҳамият бериши керак.

Инобат ҚУРБОНОВА,
Узун туманидаги 3-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

ЎТКИНЧИ ДУНЁ

(Очерк)

Маҳмуд Хидиров раҳматли отам билан дўст бўлган. Отамнинг ўткинчи дунёдан ўтганига ҳам йигирма йил бўлди. «Отангнинг дўстларини унутма, тез-тез суҳбатларида бўлиб тур» нақлини ҳам илк бор Маҳмуд акадан эшитганман.

Маҳмуд ака 1914 йили Яккабоғнинг Жийда қишлоғида таваллуд топган. 1937—42 йилларда Самоқ, Чайдари, Бўриқапчиғай, Қайрағоч, Тошқўрғон, Чўмич мактабларида ўқитувчи, директор бўлиб ишлайди. 1942 йили ўз ихтиёри билан урушга кетиб, Сталинград, Украина, Бессарабия, Руминия, Трансилвания, Венгрия, Чехословакия, Австрия, Германия тупроқларида қаттол жангларда қатнашади.

... Уша машъум уруш азобини кўрган, ҳозир саксон ёшдан ошган Маҳмуд Хидиров шундай ҳикоя қилади:

— Урушда ўлган сафдошларим доимо тушимга киради, уларнинг руҳлари безовта, «Бизнинг хазон бўлган умримизни ҳам сен яша!» дейди... Бошим оғрийди, суякларим зирқирайди, асабларим тортишади, қулоқларим шанғиллайди, дунё кўзимга тор кўриниб кетади. Бу ўша уруш азоби... Фарзандларим, невара-чеваралари, туғишганларим, ёру биродарларим жонимга оро кирди. Уларнинг тасаллиси, ўйин-кулгуси, шўхликлари уйни тўлдириб туради, дардимга малҳам булади. Шундай пайтларда бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, дея қўяман ўзимга...

Фронтда жанговар ўртоқларим бир-бирларининг миллатини ҳеч қачон суриштирмасди. Ушанда «Жангда ўзингни мард тутасанми ёки йўқми? Яродор дўстингни суяйсанми ёки уни ташлаб кетасанми?» деган сўзлар асосий мезон эди...

Орадан йиллар ўтди. Қанча-қанча сувлар оқди. Уруш жангтоҳларидан қайтиб келганларнинг ҳам кўпчилиги бугун орамизда йўқ. Улар бу ўткинчи дунёдан ўтиб кетдилар. Уша машъум урушда қатнашганларнинг барчалари Ватанни озод ва обод кўриш орзуси билан яшаган эдилар. Мустақиллик кунларини кўриш уларнинг фарзандларига, набираларига насиб этди.

Маҳмуд Хидиров 1946 йили урушдан соғ-саломат қайтиб келиб, 1990 йилгача Каттабой Ашуров номидаги, «Қаҳрамон» мактабларида ўқитувчи, директор бўлиб ишлади. 1959 йили Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг тарих факултетини битирди. 1960 йили Маҳмуд Хидировга «Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони берилади.

Маҳмуд ака Хидиров 60 йил мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Мингдан зиёд ўқувчи у кишидан тарих сабоғини олган. Ўқувчилари орасида оддий чўпон, деҳқондан тортиб, олимлар, хўжалик ва туман, вилоят миқёсидаги раҳбарлар, прокурорлар бор. Профессор Маҳмуд Янгибоев, фан номзодлари Хушмурод Рузиев, Саттор Саидов, Асқар Муҳаммадиев, 27 йил туман ва вилоят прокурори бўлиб ишлаган, собиқ генерал Халил Холиқов, Сафар Каттабоев, хўжалик раҳбарлари Турдиали Қузибоев, Эштемир Холмирзаев, Абулқосим Назаров, Маҳматқобил Қудратов, Саловат Ходиев, Бухор Пирматов каби юзлаб шогирдлари ўз устозлари билан фахрланадилар.

Маҳмуд Хидиров ҳаётининг сал кам қирқ йили мобайнида Яккабоғ туманидаги кўпгина мактабларда директор бўлиб ишлади. Дарвоқе, мактаб директори ҳеч қайси бир олий ўқув юртида тайёрланмайди. У ҳаётнинг ўзида, мактаб жамоаси бағрида — ўқитувчилар ва ўқувчилар кўз ўнгида шаклланади. Мактаб директоридан кенг қўламда билим, фидойилик, ўз ишига садоқат ва эътиқод талаб этилади. У дарс ўтади, хўжалик ишини уюштиради, жамоага мураббийлик қилади.

Мактаб директори! Жўнгина жаранглайдиган бу икки сўз замирида ўқитувчилар ва ўқувчилар посбони деган ўзига хос ижтимоий маъно ётади. Зотан, мактаб директори — ўқув-тарбиявий жараённинг ташкилотчиси, у — педагогик маҳоратда шахсий намуна, у — ўқитувчилар ва ўқувчилар устози! Маҳмуд Хидиров ўзи айтмоқчи фойдага қолган умрининг кўп йилларида ана шу ишга — одамлар қалбига саховат, яхшилик ва зиё бахш этишдек буюк бир ишга бағишлади.

Маҳмуд Хидиров мактабга директорлик қилган йилларида ўқитувчиларнинг касб маҳоратлари ўсишига алоҳида диққат қилди. Фахрийларнинг, тажрибали муаллимларнинг ёш ўқитувчиларга оталик ёрдамларини йўлга қўйди. Юзлаб ёш ўқитувчилар унинг мураббийлигида ўзига хос йўл топиб кетди. У ёшларга ушбу ўгитларни қайта-қайта уқтирарди: «Ўқитувчининг ишида қийинчиликлар жуда кўп, масъулияти ҳам улуғдир. Албатта, тегишли фанни ўқитиш — энг асосий иш, аммо булардан ташқари ўқувчилар ҳамма нарсада ўқитувчиларга тақлид қиладилар. Мана шу сабабдан ўқитувчининг дунёқараши, унинг хулқ-атвори, унинг ҳаёти, унинг ҳар бир воқеага бўлган қараши ҳамма ўқувчиларга бирон тарзда албатта таъсир этади... Ана шунинг учун ҳам ўқитувчининг ўзига яхши қараш, унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати ва ҳар бир хулқ-атвори ниҳоятда кучли назорат остида эканлиги, дунёда бирон-бир киши бундай кучли назорат остида эмаслигини сезиш жуда муҳимдир.

Мактаб директорининг ҳар куни ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммолари жуда кўп, — деб ҳикоя қилади Маҳмуд ака. — Мактабда соф ахлоқий муҳит яратиш, ҳеч қандай келишмовчиликлар ва низоларга йўл қўймаслик, жамоа кучини ижодий изланишга сафарбар этишдан тортиб, мактабни иситишгача, ўқувчиларнинг давомати ва ўзлаштиришигача, ўқитувчиларнинг шахсий-оилавий турмуш шароитларигача, бундай қараганда майда-чуйда бўлиб кўринган, аммо ижтимоий йўналишдаги бу масалаларни тўғри ва ҳаққоний ҳал этиш мактаб директоридан бошқаларга қараганда анча кўч-ғайрат, ташаббускорлик, фидойилик талаб этади.

Ўқитувчиликдай олий мартаба ва ҳурмат-иззатга ҳеч касб эгаси сазовор эмас. Биласизми, энг қимматли мулкимиз — умидимиз, келажагимиз бўлган фарзандларимизни мактабга — ўқитувчиларга, энг аввало, мактаб директорига ишониб топширар эканмиз, нима учун мактаб директори бу ишончимизни оқламаслиги керак — ҳамма гап шунда!

Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси Маҳмуд Хидировнинг бу фикрлари кучли мантиққа эга. Зеро, устоз ўқитувчини ҳозир ҳам ўқувчилар даврасида, учрашувларда, маҳалла ёшлари орасида кўрасиз. Унинг ҳаёт йўли ёшларга ўлкан сабоқдир!

— Мен ўқитувчи деган улуғ мақомга бир ўзим эришмадим, — дейди М. Хидиров. — Ҳамиша ёнимда дўстларим бўлди. Академик Асқар Холмуродов номини ҳамма яхши билади. Мен унинг отаси билан бирга ишлаганман. Ғани ажойиб ўқитувчи, камтар инсон эди. Асқарни яхши тарбиялади. Академик бўлиш осон эмас. Умри қисқа экан, олтмиш ёш остонасида ўлиб кетди, раҳматли.

Мактабда бирга ишлаган дўстларим — машҳур математиклар марҳум Холмамат Бегнаев, Улжа Мейлиев, Аҳмадшин, адабиёт ва тарих ўқитувчилари Тухли Мирзаев, Бердираҳмат Рузиев, Мумин Қурбонов, Темур Шоназаров, Бойназар Эрназаров, Содиқ Саодатов, Абдуҳолиқ Саинов, Узоқ Сафаровлар каби ўқитувчилар ҳам яхши инсонлардандир.

Тўқсон ёшни қоралаб тўқмоқдек мустаҳкам юрган мактаб муаллимимиз Маҳмуд Хидировга ҳамда яккабоғлик барча муаллимларга кўп сонли шогирдлари номидан «Умрингиз узун бўлсин, устозларимиз», деймиз.

Ғуломхон ҳожи ҒОФУРОВ

ТЎЙИНГИЗГА БОРМОҚЧИ ЭДИК, УСТОЗ...

Бир хабар учди... Кўнгиллар музлаб қолди. Юраклар чатнаб кетди. Титраган дилларда эса фақат бир сўзнинг беҳол жасади сузиб юрарди. «Йўқ-йўқ мумкин эмас». Бироқ... минг афсуски, мумкин экан. Ҳа, мумкин бўлди. Маҳоратли журналист, дилбар инсон, ТошДУ журналистика факултетидаги азиз устозимиз Ғуломхон ака Ғофуров оламдан ўтди.

Тасодифни қарангки, бундан бир неча кунгина илгари Ғуломхон ака таҳририятимизга бир мақола олиб келди. Мақоланинг сарлавҳаси «Ўткинчи дунё» эди. Ғуломхон ака унда отасини, ул кишининг дўстларини, ўзининг илк устозларини эслаган эди... Фақат... фақат устоздан ҳеч ким дунёнинг ўткинчилигини ўзи билан исбот этишни сўрамовди-ку! Лекин начора, қисмат шу экан.

Ғуломхон ака шу кунларда 50 ёши муносабати билан тўй қилмоқчи эди. Ҳайҳот! Тўйхат ёзмоқчи эдик. На илож, алвидо Ғуломхон ака! Оллоҳ рози бўлсин!

ТАҲРИРИЯТ.

Xullas...

ЧАҚИМЧИЛИК ҲАМ КАСБ(МИ?)

Сунгги пайтларда айрим мамлакатларда чақимчилик ҳам тузукина ҳунарга айланди. Уларнинг «олижаноб» вазифалари нималардан иборат экан, дея қизиқсангиз керак, ҳойнаҳой? Бу ҳунар эгалари асл даромадини солиқдан яшириб юрган корхоналару жисмоний шахслар ҳақида керакли идораларга керакли маълумотларни яширин етказиб турадилар. Хизматлари эвазига эса ўша фирибгарлардан ундирилган солиқнинг 10 фоизини қуртдеккина санаб олишади. 1991 йили ана шундай «тадбиркорлар» чўнтагига нақд 200 минг доллар тушган! Утган йилнинг биринчи чорагидаёқ бу сумма... 20 миллион долларга етди! Бу рақамлар бирор ерда ҳалол ишлаб тирикчилик қилишдан кўра, солиқдан қочиб юрган бойваччаларни овлашга киришиб кетган «чаққон»ларнинг сони тобора ошиб бораётганини кўрсатади.

ҲАШАР БИЛАН БИТИЛГАН АСАР

Утган йили Франгистонда «Тим Ван Дейк», деб номланган роман нашр этилди. Бу асарда ўрта асрларда яшаб утган машҳур бир қароқчининг саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинади. Энг ажабланарлиси шундаки, «Тим Ван Дейк» романини Париж мактабларидан бирининг 37 ўқувчиси ёзишган. Бундай ёзувчиликка уларни она тили ўқитувчиси ундаб керакли маслаҳатларни бериб турган. Асарнинг ҳар бир боби бир ўқувчининг қаламига мансубдир.

БОЛА БОШИДАН БИЛИНАДИ

Лев Яшин ҳақида эшитмаганлар камдан кам топилса керак, ҳойнаҳой. Айниқса, футбол ишқибозлари унинг номини қувонч ва ҳурмат билан тилга оладилар. Лев Яшин — Европанинг энг кучли футболчиси, «Олтин тўп» совриндоридир. Унинг таржимаи ҳоли шундан хабар беради-ки, бу машҳур спортчи болалигиданоқ чинакам меҳнаткаш, тиришқоқ бўлган. Лев Яшин иккинчи жаҳон уруши даврида 12 яшар болакай бўлишига қарамай ишчи дастгоҳини катталардан ҳам аъло бошқарган. У «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланган пайтда бор-йўғи 15 баҳорни қаршилаган экан...

ana shunaqa gaplar

Абу Райҳон Беруний номидаги Самарқанд педагогика билим юрти маъмурияти ва жамоаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги педагогик таълим ва фан бошқармаси масъул ходими Каримахон Ҳошимовага ўғли

Олимжон ҲОШИМОВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Sport

ҚУВАСОЙЛИКЛАР БИРИНЧИ ЛИГАДА!

Фарғона вилоятининг Қувасой ва Қиргули шаҳарларида футбол бўйича вилоят чемпионларининг биринчи лигага ўтиш турнири ниҳоясига етди.

Турнирнинг барча учрашувларини ғалаба билан якунлаган Қувасойнинг «Цементчи» командаси келгуси йилдан бошлаб биринчи лигада қатнашадиган бўлди.

«ТАДБИРКОР»НИНГ ТАДБИРИ

Урганчнинг «Тадбиркор» командаси ҳам вилоят чемпионатида ғолиб чиқиб, ўтиш турнирларида муваффақиятли қатнашди. Энди 1998 йилдан бошлаб улар ҳам мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида иштирок этишади.

Команда мураббийси Улуғбек Сапаровнинг тахминича футболчилар биринчи лигада ҳам пешқадамлик учун курашади.

ҒОЛИБЛИК МУБОРАК ПОЛВОНЛАР!

Юнусободдаги теннис мажмуида эркин кураш бўйича мустақиллик кубоги халқаро мусобақаси ниҳоясига етди. Унда ўндан ортиқ мамлакатдан кучли полвонлар иштирок этди. Ҳамюртларимиздан Р. Исломов, И. Кулиев, Р. Хинчагов мусобақанинг ғолиби бўлишди.

ЯНГИ ГАЗЕТА

Самарқанд вилояти спорт қўмитаси ҳамда масъулияти чекланган «Карвон» жамияти ноябрь ойидан бошлаб футболга бағишланган янги — «Футбол ва ҳаёт» газетасини ташкил этди. Газета ўз эътиборини асосан вилоятда футболни ривожлантириш, мухлисларни турли хабарлар билан таништириб туриш учун хизмат қилади.

ИГНАТЕВ НИМА ҚИЛСИН?

Футбол бўйича Россия терма командасининг бош мураббийси Борис Игнатев ҳозирча нима қилишни билмай турибди. Чунки терма команданинг жаҳон чемпионати саралаш учрашувлардаги муваффақиятсизликдан сўнг мамлакат футбол ишқибозлари, журналистлар ундан ариза ёзишни талаб этишмоқда.

maydonchasi

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1997 йил декабр ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.

Муддати

1. ВУМОИ (ВПХМОИ) илмий ишлар бўйича проректорлар — 1—15
2. Урта мактаб директорлари —1—29
3. Туман (шаҳар) ХТБ методист назоратчилари 1—29
4. ВУМОИ (ВПХМОИ) биология кабинет кафедра ўқитувчи-методистлари — 16—29
5. Физика ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш — 1—15
6. Бошланғич синф ўқитувчилари учун янги дастур ва дарсликлар бўйича курс — 16—29
7. Янги тур мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчилари — 1—29
8. Урта мактабларнинг меҳнат ўқитувчилари учун муалифлик курс (К.Давлатов) — 1—15
9. ВУМОИ (ВПХМОИ)ларнинг тарих кабинети методист ўқитувчилари — 16—29
10. МУИЧК директор муовинлари —1—29
11. Чақириққача ёшларни тайёрлаш раҳбарлари — 1—29
12. Мактабдан ташқари муассасаларнинг кутубхона мудирлари — 1—15
13. Болалар стадионлари тўгарак раҳбарлари — 16—29
14. География фанини ўқитишда иқтисодий билим муаммолари (Маърузачилар гуруҳи) — 1—15

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий—профилакторийга 1—5 декабр кунигача қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй Талабалар шаҳарчаси. Телефон 46-06-62, 46-06-67.

ЎСИМЛИК ИШҚОРИ

Алкалоиднинг кашф этилиши тарихи ажойиб. XIX асрнинг бошларида (1806 йилда) немис дорихоначиси Сертюрнер деган киши кўкнори ширасини оҳак билан ишқалаб, ундан соф кристал бирикма ажратиб олди. Бемор танасига бу суюқликдан юборилганда у тинчланиб, қаттиқ уйқуга кетди.

Шунга асосан бирикмага афсонавий уйқу худоси Морфенинг номи берилди, яъни бу модда морфин деб атала бошлади.

Морфин ишқорсимон бўлганлиги учун алкалоид деб аталади. Бу сўз арабча бўлиб, алкали — ишқор, лоид эса симон, ўхшаш деган маънони англатади.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

Мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курсида 1997 йил декабрь ойида навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида иш бошлайди. Унга қуйидаги мактабгача тарбия муассасаларининг мутахассислари

ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари — 1.XII.1997 — 30.XII.1997 йилгача.

ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРС

Янги типдаги мактабгача тарбия муассасалари услубчи ва мутахассислари — 1.XII.1997 — 15.XII.1997 йилгача.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Курс қошида болалар хонаси мавжуд.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчаси бекати. Троллейбуслар: 8, 4, 3. Автобуслар: 28, 34, 87, 116. Телефон: 46-98-04, 46-90-94.

ЭНГ ЯХШИ МАҚОЛАЛАР ТАНЛОВИ

Педагогика, психология фанлари соҳасида энг яхши илмий мақолалар учун ўтказилган йиллик танлов кенг илмий жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинди. Шу сабабли Халқ таълими вазирлиги бу танловни ҳар йили ўтказиб туришга қарор қилди. Айни пайтда танлов Низомига кўп сонли илмий ходимларнинг таклифлари асосида баъзи ўзгаришлар ҳам киритилди. 1997 йилдан бошлаб қуйидаги Низом асосида ЭНГ ЯХШИ МАҚОЛАЛАР танлови ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси аспирант, докторант ва илмий изланувчиларнинг педагогика ва психология фанлари соҳасидаги илмий мақолаларининг йиллик танлови тўғрисида

НИЗОМ

1. Умумий қоидалар.

1. Мазкур танлов педагогика, психология фанлари соҳасида илмий иш олиб бораётган истеъдодли олимларни намоён этиш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ўтказилади.

2. Танловда Ўзбекистон Республикаси барча олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтларининг педагогика ва психология фанларидан илмий ишлар ёзаётган 45 ёшгача бўлган аспирант, докторант ва илмий изланувчилари иштирок этишлари мумкин.

3. Танловга педагогика ва психология фанларининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий мақолалар қабул қилинади.

Танловнинг барча масалалари билан боғлиқ бўлган ишлар Халқ таълими вазирлигининг фан бўлими томонидан амалга оширилади. Бу ерда педагогика ва психология фанлари бўйича эксперт гуруҳлар тузилиб, танловга юборилган ишлар таҳлил қилинади ва I, II, III ўринлар аниқланиб, вазирлик раҳбариятига мукофотлаш учун тавсия этилади.

II. Танлов учун юбориладиган илмий мақолаларга қўйиладиган талаблар.

1. Танловга юборилган илмий мақолалар якка тартибда ёзилган бўлиб, ҳажми 0,5 босма табоқдан ортмаслиги ва таҳрирдан чиқарилган, 1,5 интервалда қора лента орқали машинкада ёки компьютерда ёзилган бўлиши лозим. Танловга мақолалар 2 нусхада юборилади.

2. Илмий мақолалар билан бирга, юқоридаги техник талабларга риоя қилинган ҳолда, унинг моҳиятини акс эттирувчи 2 нусхада аннотация тақдим ҳам этилади.

3. Илмий мақола мазмунида қуйидаги жиҳатлар ёритилиши шарт:

— илмий мақолада кўзланган мақсад ва вазифалар нималардан иборат эканлиги;

— илмий мақолада тажриба-синов майдонларида олиб борилган ишларнинг ёритилиши ва улардан олинган натижалар, илмий хулосалар баён этилиши;

— илмий мақолада хулоса ва натижаларнинг халқ таълими ва халқ хўжалиги учун фойдали томонлари кўрсатилиши;

— тегишли тавсиялар берилиши лозим.

Танловга юбориладиган мақолалар жорий йилнинг 1 декабригача Халқ таълими вазирлигининг фан бўлимига топширилади ва бу муддатдан сўнг юборилган мақолалар кўриб чиқилмайди.

Танловга юборилган мақолалар, совринли ўрин олиш ёки олмаслигидан қатъи назар ўз эгаларига қайтарилмайди.

Танловга тақдим этиладиган мақолалар матбуотда эълон қилинмаган бўлиши лозим ва олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари илмий-назарий, илмий-методик ҳамда аспирант ва докторантларнинг илмий анжуманларида эшитилиб, муҳокамадан ўтгандан кейин юборилади.

III. Танлов ғолибларини тақдирлаш.

Танлов ғолибларини тақдирлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Эксперт гуруҳларининг тавсияларига асосан:

Педагогикадан:

I ўрин учун энг кам иш ҳақининг 8 баравари да

II ўрин учун энг кам иш ҳақининг 6 баравари да

III ўрин учун энг кам иш ҳақининг 4 баравари да

Психологиядан:

I ўрин учун энг кам иш ҳақининг 8 баравари да

II ўрин учун энг кам иш ҳақининг 6 баравари да

III ўрин учун энг кам иш ҳақининг 4 баравари да пул мукофоти, шунингдек вазирлик тақдирномаси, дипломлари берилади. Танловда совринли ўринни эгаллаган мақолалар тўплам қилиб нашр этилади.

IV. Мақолаларнинг танловини ўтказувчи эксперт гуруҳи таркибини тузиш.

1. Танловни ўтказувчи гуруҳга Халқ таълими вазирлигининг фан бўлими умумий раҳбарлик қилади ва мавзуларнинг йўналишлари бўйича тегишли мутахассисларни жалб қилиб, эксперт гуруҳини тузади.

2. Эксперт гуруҳи ишида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги газета ва журналларнинг вакиллари ҳам иштирок этадилар.

3. Ўз илмий мақолалари билан танловда иштирок этган аспирантларнинг илмий раҳбарлари эксперт гуруҳи аъзоси бўлолмайдилар. Шу сабабли аспирантлар мақолалари аннотациясида ўз илмий раҳбарларини кўрсатишлари лозим.

4. Эксперт гуруҳи аъзолари имкониятга қараб моддий рағбатлантириладилар.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Норали ОЧИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0749. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6